

9-10-2020

## FROM THE HISTORY OF UZBEK LINGVISTIC TERMINOLOGY

Shoira Erkinovna Bobomurodova

*Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navai Candidate of Philological Sciences*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

---

### Recommended Citation

Bobomurodova, Shoira Erkinovna (2020) "FROM THE HISTORY OF UZBEK LINGVISTIC TERMINOLOGY," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 2 : Iss. 9 , Article 47.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol2/iss9/47>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

---

## FROM THE HISTORY OF UZBEK LINGVISTIC TERMINOLOGY

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



**2020 йил 9 сон**

Тўйчиев Абдуноби - Гулистон давлат университети таянч докторанти;  
Яшаш манзили: 120100. Гулистон шаҳри, IV микрорайон, Бўстон маҳалласи, Гулбаҳор кўчаси 10-уй. (тел: 94-407-22-40)  
E-mail: [abdunabi2240@gmail.com](mailto:abdunabi2240@gmail.com)

## **ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИ АТАМАЛАРИ ТАРИХИДАН**

Бобомуродова Шоира Эркиновна  
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат  
ўзбек тили ва адабиёти университети  
филология фанлари номзоди

*Аннотация:* Мақолада ўзбек тилшунослиги тарихида сўз ва унинг таркибини ифодаловчи атамаларининг шаклланиши, атамаларни қўллашдаги хилма-хилликлар ва уларнинг меёрлашуви, ўзбекчалаштирилган тилшунослик атамаларининг тилда ўринлашуви масалалари ўрганилган ва таҳлил қилинган.

*Калит сўзлар:* тилшунослик тарихи, сўз таркиби, сўз шакли, ўзак, қўшимча, белги, аффикс, келишик қўшимчалари, сўз ясашиши.

## **ИЗ ИСТОРИИ УЗБЕКСКОЙ ЛИНГВИСТИЧЕСКОЙ ТЕРМИНОЛОГИИ**

Бабамуратова Шаира Эркиновна  
Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы по  
имени Алишера Навои  
Кандидат филологических наук

*Аннотация:* В статье рассматривается формирование слов и их содержание в истории узбекской лингвистики, различия в использовании терминов и их стандартизации, а также размещение терминов на узбекском языке.

*Ключевые слова:* история лингвистики, словосочетание, словоформа, корень, суффикс, символ, аффикс, суффиксы, словообразование.

## **FROM THE HISTORY OF UZBEK LINGVISTIC TERMINOLOGY**

Bobomurodova Shoira Erkinovna  
Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navai  
Candidate of Philological Sciences

*Annotation:* The article examines and analyzes the formation of terms and their composition in the history of Uzbek linguistics, differences in the application of terms and their interaction, the position of the terms of Uzbek linguistics in the language.

*Keywords:* The history of linguistics, word composition, word form, suffix, sign, consonant, word-building.

Ўзбек тилшунослигида сўз ва унинг таркиби бўлган қўшимчалар ҳақидаги қарашлар, ушбу ҳодисаларнинг номланиши узоқ тарихга эга. Маҳмуд Кошғарий “Девону луготит турк” асарида сўз ва унинг таркиби билан боғлиқ ҳодисалар ҳақида

сўз юритар экан, *асл* (*ўзак*), *хуруфул маъаний* (*аффикслар*), *илҳақ* (*қўшимча қўшиши*), *сига* (*сўз шакли*), *кайфиййа* (*сўз шакллари*), *ъалама* (*белги*), *исму жамъ* (*кўплик*), *ал-ваҳид* (*бирлик*), *иштиқақ* (*сўз ясалиши*), *муштақ* (*ясалган*), *бина* (*сўз ясалиши*), *иъраб* (*турланиш*) каби бир қанча лингвистик терминларни ишлатган. Олим буйруқ феълларига қўшилиб, макон, замон, асбоб-анжом исмларини ясовчи - *гу*, буйруқ феълига қўшилиб бўлишсизликни ҳосил қилувчи - *ма* каби туркий қўшимчаларни “*зиядат*” (орттирмалар) деб атайди ва уларнинг ҳар бирини (нутқ товуши ва товушнинг ёзувдаги белгисини, кўмакчи, боғловчи, юкламалар қаторида) “*ҳарф*” термини билан номлайди [1].

“Аттуҳфатуз закияту филлугатит туркия” (Туркий тил (қипчоқ тили) ҳақида ноёб туҳфа) асарида ҳам ҳудди шу анъаналар давом эттирилган ҳолда сўз таркиби, қўшимчалар борасида сўз юритилганда *ҳарф* (*қўшимча*), *белги*, *аломат* (*қўшимча*), *ҳарфи жар* (*келишик қўшимчалари*), *замон зарфий* (*пайт келишиги*), *макон зарфий* (*ўрин келишиги*), *ҳол* (*гапда фоил мафъул ҳолини билдирган келишик*), *марфуъ* (*келишик шаклидаги сўз*), *мажрур* (*қаратқич келишиги*), *мансуб*, *насиб*, *насиб ҳоли* (*тушум келишиги*) *мафъулунбиҳ* (*тушум келишиги*), *мафъулунлаҳ* (*тушум келишиги*), *мафъулмаа* (*биргалик келишиги*), *шарт одоти* (*шарт майли қўшимчаси -са*) терминларини ишлатади [2]. Бу икки асар ҳам араб тилида ёзилганлиги учун араб тилшунослиги атамаларидан фойдаланилган. Улар туркий тилни араб тили грамматикаси асосида изоҳлаганлар бўлсаларда, ўз даврларида туркий тилга хос қонуниятларни тўғри англай олганлар ва асарларида туркий тилларга оид қимматли грамматик маълумотларни қолдирганлар.

XIX асрнинг охири, XX асрнинг бошларида ўзбек маърифатпарварлари ўзбек тилининг имлоси ва грамматикаси ҳақида сўз юритар эканлар, ўн асрлик манбаларимиз, тарихий лугатлар таркибида берилган грамматик маълумотларга таянган ҳолда иш кўрдилар. Бу даврда ёзилган мақола, сабоқлик ёки ўқув дастурларида *асл* (*ўзак*), *сига* (*сўз шакли*), *исму жамъ* (*кўплик*), *иъраб*, *ҳарф* (*қўшимча*), *белги*, *аломат* (*қўшимча*), *ҳарфи жар* (*келишик қўшимчалари*), *мафъулунбиҳ* (*тушум келишиги*), *одот* каби араб тилшунослиги атамаларининг кўплаб ўринларда қўлланилганлигини кўраимиз. Бу ҳолат усмонли турк, татар тилшунослигида ҳам шундай. Масалан, усмонли турк олими М.Абдулқодирий ўзининг “Қавоиди лисони туркий асарида сўзларни “исм, сифат, замир, феъл, одот” каби туркумларга ажратади [3]. Олим “одот” туркумига боғловчи кўмакчи, юклама, келишик қўшимчалари, сўз ясовчи қўшимчалар (умуман аффикслар)ни киритади ва унга қуйидагича таъриф беради: “Одот - мустақил бир маъни ифода этмаюб, дигар калимларнинг ёрдамила хусусий маънолара далолат эдарлар” [3, 43-б].

“Одот” асли арабча сўз бўлиб, тегишлилик таркибий қисм, восита каби маъноларни англатади [4]. Демак, усмонли турк тилшунослари араб тили грамматикасидаги “одот” термини билан ёрдамчи сўзлар, аффикслар ҳамда айрим модал сўзларни атаганлар. Чунки улар мустақил маъно англатмайди, фақат сўз ва гапларни бир-бирлари билан муносабатга киритади, сўзлар таркибига қўшилиб қўшимча маъно ифода этади.

Ўзбек маърифатпарварлари ҳам илк мактаб сабоқликларини тузишда турк, татар тилшунослари каби араб тилшунослиги анъаналарига эргашганлар. Ўзбек

тилшуноси Фитрат 1919-йилда ўзбек тили имлосига багишланган “Битим йўллари” асарида келишик қўшимчалари, сўроқ юкламаси (-ми), шакл ясовчи қўшимчалар (-дек, -дай, -ча) ҳақида фикр юритар экан, уларни усмонли турк тилшунослари каби “**одот**” термини билан атайди [5]. 1921-йилда Элбек томонидан тузилган “Ёзув йўллари” номли имло сабоқлигида бу ўринда “**қўшимча**” терминини қўлланиладиди: “Қўшимча деб ёлғузликда кишига бир нарса англазмагон сўзларга айтиладир: -да, -га, -ға, -дан, -нинг, -ни, -дир каби [6, 17-б].

Қўшимча термини биринчи бор татар тилшуноси Г.Иброҳимовнинг 1913-йилда тузган “Татар сарфи” сабоқлигида “қўшимта” шаклида қўлланилган бўлиб, олим келишик қўшимчаларини бошқа қўшимчалардан фарқлаб шу номда беришни (унинг замондоши Ж.Валидий эса “тақилмалар” деб (1919) номлашни) тавсия қилган эди.

Демак, татар тилшунослари томонида қўлланилган “**қўшимча**” термини Элбек тарафидан ўзбек тилшунослигига олиб кирилиб, бошда фақат келишик қўшимчаларини ифодалаган бўлса, кейинчалик, умумий равишда сўз таркибига қўшилиб ёзилувчи аффикс маъносида ишлатила бошланди. Юқоридаги фикрлардан хулоса қиламизки, **қўшимча** терминининг тилда пайдо бўлиши ва қўлланилишига арабча “**одот**” сўзининг таркибий қисм деган маъноси асос бўлган ва 30-йиллардан бошлаб ҳозирги аффикс маъносида қўлланила бошлаган. Бу термин барқарорлашгунга қадар тилимизда турли хил атамалар тартибсиз равишда ишлатилган. Масалан, “Имло асослари” [9, 9-б]да келишик, кўплик қўшимчалари “**улашма сўз**” термини билан аталган. Элбек ўзининг тилшуносликка оид мақолаларида “**қўшимча**”, “**белги**” (белги - арабча “аломат” дан таржима қилинган) билан бир қаторда татарлар томонидан юнонча **аффикс** асосида белгиланган “**ёлғов**” терминларини ишлатган (“*yolg'ov*” atamasi “*affiks*” dan tarjima qilingan) [10].

Элбекнинг ўқитувчилар учун тузган “Бошланғич мактабда она тили” номли методик қўлланмасида “**журноқ**”, “**тиркалгич**” каби терминлар ҳам учрайди: “**Журноқ, тиркалгичлар тўғрисида янги режа, ясама сўзларнинг журноқлари, уларнинг ўзгаришлари ҳам ёзилишлари**” [11, 10-б]. Элбекнинг бу асари қозоқ шоири ва адиби М. Жумабоевнинг худди шу номдаги қўлланмасининг тахминий таржимаси бўлиб, тилшунос таржима давомида уни ўзбек тилига мослаштиришга ҳаракат қилган. Юқорида келтирилган сўзлар эса аслида қозоқча бўлиб, А.Бойтурсунов ўзининг “Қозоқ тилининг сарфи” сабоқлигида “**тиркалгич**” атамасини аффикс маъносида, “**журноқ**”ни эса сўз ясовчи қўшимча маъносида қўллаган [12]. Ўзбек тилшунослигида бу ҳодисаларнинг ҳали фарқланмаганлиги ва аниқ атамаларга эга эмаслиги сабабли Элбек уларни ўз ҳолича қўллайди. “**Журноқ**” термини кейинчалик нашр этилган айрим мақолаларда қўшимча маъносида ҳам қўлланилган. Масалан, “**Шунинг учун биз бу хусусда қарор чиқордиқ ва дедикки, эски журноқлар (суффикслар) ўзидан бурунги масдарнинг охирида товишга эта тургон таъсири эътибор қилинмайдир**” [13].

Н.Ҳаким, Е.Д.Поливановлар эса аффиксларни мустақил сўзларга бирикиб, туташиб келиш хусусиятларини ҳисобга олиб “**туташма**” [14, 13-б] ёки уларнинг сўзга қўшилиб, маъноларини турландиргувчи хусусиятларидан келиб чиқиб “**турлик**” [15, 3.б] терминлари билан номлайди ва буларни параллел равишда

қўлайди: “Туб сўз билан туташма (турлик)га бир босим (ударение) бўладир: “уй-лар”, “ота-лар” дегандек каби” [14, 48-б].

Айрим тилшунослар эса татар тилшунослигидаги ҳам “тўлдирувчи”, ҳам “қўшимча”ни номловчи **“ТОМОМЛИҒ”** терминини қўшимчаларни аташ учун қўллаганлар (бу термин рус тилидаги “окончание” атамасидан калькалаб олинган). Масалан, “Ҳозирча сифатни ифодаловчи - лик, -лик ўрнида -ли томомлиги олинсин..., -ш томомлиги исм маъносида сақлансин” [11]. Бизнингча, тилшуносларимиз бу атамани қўллашда қўшимчаларнинг сўз охирига қўшилиб маънони бутунлаш, тамомлаш хусусиятларини эътиборга олган бўлсалар керак. Бироқ бу терминларнинг бирортаси тилда ўринлаша олмади. Чунки бу терминлар қўшимчаларнинг маълум бир хусусиятларинигина ифода этади. Масалан, **“турлик”** терминини турловчи ва тусловчи қўшимчаларга нисбатан ишлатиш мумкин. Бироқ бошқа қўшимчалар турлаш вазифасини бажармайди. **“Тамомлиқ”** терминини сўз охирига қўшилувчи қўшимчаларга нисбатан ишлатиш мумкин. Бироқ сўз бошида келувчи но-, бо-, бе- каби қўшимчаларга нисбатан бу терминни қўллаб бўлмайди.

Сўз таркибига қўшилиб келиш барча аффиксларга хос хусусиятдир. Шунинг учун Элбек томонидан ўзбек тилшунослигига олиб кирилган **“қўшимча”** термини тезда оммалашиб кетди ва у ҳозирга қадар тилшунослигимизда истисноларсиз қўлланилиб келинмоқда.

**“Қўшимча”** термини ҳақида сўз юритганда **“келишик”** атамаси ва унга муқобил тарзда қўлланилган терминлар тўғрисида ҳам тўхтаб ўтиш лозим.

XX аср бошларида тилни илмий асосда тадқиқ этишга киришган айрим туркий тилшунослар келишик қўшимчаларини араб тили грамматикасидаги “эроб”ларга тенг ҳодиса сифатида қараганлар. Масалан, А. Файзхон “Саволларнинг бошқа бошқа бўлувиндан исмларнинг охирина саволга мувофиқ турли одотлар туташиларка ўша одотларнинг ҳар қаяси исмларнинг маънилари бошқарталар, ўшандай одотларни эроб деб тавсия қиламиз” деб ёзади ва фоил (шогирд), музоф (шогирди), маъфул ба (шогирдни), мафъул ма (шогирд билан), мафъул мина (шогирддан), мафъул фиа (шогирдда) каби эробнинг турини санаб ўтади. Усмонли турк тилшуноси Аҳмадjon Раҳим, татар тилшуноси Шавқий Бектўралар ҳам келишик қўшимчаларини эроб асосида тушунтирадилар, бироқ улар бу қўшимчаларни А.Файзхон каби **“эроб”** термини билан эмас, балки туркий **“тортувчи ҳарфлар”** (бу термин арабча **“харфе жар”** атамасидан калькалаб олинган) ва **“бўлиш”** [16, 9-б] терминлари билан номлайдилар.

Айрим тилшунослар эса рус тилидаги падежни тўғридан тўғри туркий тилга тадбиқ этиб, “падеж” терминининг “падение”, “сгибание”, “флексия”, “склонение” каби маънолари асосида келишик қўшимчалари учун **“букма”, “букилма”, “эгилма”, “сиқилма”** каби янги атамаларни ижод қилганлар ва бунинг учун яхшигина танқидга ҳам учраганлар. Ўзбек тилшунослари эса А.Файзхон, А.Раҳим, Ш.Бектўралар каби бошқа тиллар таъсирига берилиб қатор хатоларга йўл қўймасликка ҳаракат қилдилар. Шунинг учун Элбек “Ёзув йўллари” сабоқлигида келишикни оддийгина **“қўшимча”** атамаси билан қайд этади. Фитрат ва Қ.Рамазонлар эса ўз сабоқликларида бу ўринда **белги** (арабча **аломат** терминининг таржимаси) терминидан фойдаландилар.

Бу даврда чоп этилган айрим тилшуносликка оид мақолаларда келишик кўшимчалари усмонли турк тилидагидек “эроблар” [17, 51-б] ва “изоҳот кўшимчалари” [18, 31-б ] терминлари билан аталади. Н.Ҳаким эса ўзбек тилшуносларига бу ўринда “тушум” терминини қўллашни тавсия этган, кўпгина мақолалари орқали бу атамаларни тарғиб ва ташвиқ қилган. “Тушум” атамаси рус тилидаги падеж сўзининг таржимаси бўлиб, 1911-йилда татар тилшуноси Г.Нугайбек келишикларни тушум деб номлайди ва уларнинг атов тушуми (бош келишик), тортув тушуми (қаратқич келишиги), берув тушуми (жўналиш келишиги), кўчув тушуми (тушум келишиги), чиқув тушуми (чиқиш келишиги), ўрин тушуми (ўрин-пайт келишиги) каби олти турини кўрсатади. Демак, бугунги кунда ўзбек тилида қўлланилаётган “тушум келишиги” бирикмасидаги тушум сўзи падеж атамаси асосида пайдо бўлган яни шу сўздан калька асосида ҳосил қилинган.

1918-йилда татар тилшунослари М.Курбонгаалиев ва Х.Бадигийлар “тушум” ўрнида “келишик” сўзини атама сифатида қўллайдилар ва бу ном барчага маъқул келиб, “келиш” атамасини бирдай қўллашга одатландилар (ҳозир ҳам татар тилшунослигида ушбу атама қўлланилади) [19, 43-б].

1928-йилдан бошлаб ўзбек тилшунослигида татар олимлари тарафидан истемолга киритилган “келиш” термини ишлатила бошланди, 1932-йилдан бошлаб эса “келишик” [20, 94-б] шаклида ўзгартирилди.

Шундай қилиб, 20-30-йилларда ўзбек тилшунослиги мустақил фан сифатида шаклланиш жараёнига татар тилшунослиги самарали таъсир қилди, юқоридаги кўплаб татар тилшунослиги атамаларининг ўзбек тилшунослигида ҳам қўлланилиши бунинг ёрқин далилидир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Салима Рустамий. “Девону луготи-т турк” даги лингвистик атамалар. -Т.: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2006. -100 б.
2. Аттухфатуз закияту филлуғатит туркия. (Нашрга тайёрловчи Муталлибов С.М.), Т.: Фаъ, 1968. -107 б.
3. Абдулқодирий М. Қавоиди лисони туркий. Дарсаодат, 1905. - 65 б.
4. Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. -М: Русский язык. 1989. – С. 926
5. Чигатой гурунги. Битим йўллари. Маориф кўмиссарлиги рухсати билан босилган. 1919. – 32 б.
6. Элбек. Ёзув йўллари. –Т.: Туркистон жумҳуриятининг давлат нашриёти, 1921. – 30 б.
7. Г. Ибраһимов. Татар сарыфы. Казан, «Сабах» нәшрияте, 1913.
8. Валидий Ж. Татар тилининг грамматикаси. - Қозон, 1919. – 172 б.
9. Имло асослари. Маориф назорати томонидан чиқорилгон низомнома. – Бухоро: 1922. – 12 б.
10. Элбек.Тилимиздаги янгилишиқлар // Туркистон. 1924. 14,17, 21, 24, 26, 29 окт.
11. Элбек.Бошланғич мактабда она тили. –Т.: Туркистон давлат нашриёти, 1923. -23б.
12. Бойтурсунов А. Қазақ тилининг сарфи.Тошкент: Издание комиссариата народного образования Туркестанской республики, - 1918. – 42 б.



13. Тил ва имло масалалари. (Мақола ва материаллар тўплами). Тўпловчи: Йўлдош А. -Тошкент-Самарқанд: Ўздавнашр, 1929. – 392 б.
14. Поливанов Е.Д. Тилдаги юксалиш тушунчаси. -Тошкент-Самарқанд: Ўздавнашр, 1923. - 62 б.
15. Неймат Ҳаким. Ўзбек тили сарфи тўғрисида // Қизил Ўзбекистон. 1925. 10,12,14 май.
16. Бектўра Ш. Татарча сарф-наҳв. Тутотқуй, 1923. – 110 б.
17. Янги имло ва унинг қарашлари // Қизил байроқ. 1922. -6 янв.
18. Ўзбек уруғлари (қабилалари) ва уларнинг шеваларига тегишли маълумотлар тўплағучиларга қисқача қўлланма // Маориф ва ўқитғучи. 1925. -№ 12.- Б. 33-35.
19. Татар грамматикасы: өч томда / проект жит. М.З. Зәкиев. – Тулыландырылган 2 нче басма. – Казан: ТӘҺСИ, 2016. – Т. II. – 432 б.
20. Тил имло конференцияси материаллари. 1929 йил майнинг 15-23- кунларида Самарқандда бутун Ўзбекистон миқёсида тўпланган ўзбек тил имлочилари ва адиблари кўнференциясининг тўла ҳисоби. –Т.: Ўздавнашр, 1932. – 133 б.

## ТАРЖИМАШУНОСЛИҚДА ЭКЗОТИЗМ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ТАВСИФИ ҲАҚИДА

И.Дехқонов, ФарДУ немис ва франуз  
тиллари кафедраси ўқитувчиси

*Аннотация:* Мақолада экзотизмлар бошқа миллатлар турмуши ва ҳаётининг ўзига хослигини акс эттирадиган предмет ва воқеаларни номлашга хизмат қиладиган лексик бирликлар сифатида ёритиб берилади.

*Таянч сўз ва иборалар:* ўзлаштирмалар, экзотизмлар, экзотик лексика, экзотик лексема, лакунлар, функционал-стилистик ўзига хослик.

## О ПОНЯНИЕ ЭКЗОТИЗМА И ЕГО ОПИСАНИЕ В ПЕРЕВОДЕЧЕСТВО

*Аннотация:* В статье раскрывается экзотизмы как лексические единицы, которые служат для определения предметов и явлений, характерных для быта и особенностей жизни другой национальности.

*Ключевые слова и фразы:* заимствование, экзотизмы, экзотическая лексика, экзотические лексемы, лакунны, функционально-стилистические особенности.

## ABOUT NOTION OF EXOTIC VOCABULARY AND HIS DESCRIPTION IN TRANSLATION

*Annotation:* In the article expose the exoticism as an unit lexical which serve a definition of the object and a phenomena characteristic for mode of life and the specifics of life other nationality.

*Key words and phrases:* loanword, exoticism, exotic vocabulary, exotic lexeme, lacunes, functional - stylistic singularity.

46	Қалбимизга яқин одамлар Тўйчиев А.Х. ....	268
47	Ўзбек тилшунослиги атамалари тарихидан Бобомуродова Ш.Э. ....	272
48	Таржимашуносликда экзотизм тушунчаси ва унинг тавсифи ҳақида Дехқонов И. ....	277
	<b>13.00.00</b>	
	<b>ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ</b> <b>ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ</b> <b>PEDAGOGICAL SCIENCES</b>	
49	Олимпия таълими дастурларининг мазмуни Мамажонов Д.А, Тураев В.Б. ....	282
50	On the questions of improving the professional skills of the teacher Rakhmatova O. ....	290
51	Formation of professional competence of biology students in english classroom Yuldasheva M. B. ....	294
52	Илғор хорижий давлатлар олий таълим муассасаларида корпоратив бошқарувнинг ташкилий-педагогик хусусиятлари Абдурасулов А.А. ....	298
53	Бўлажак муҳандисларнинг илмий-тадқиқот компетентлигини шакллантириш жараёнини моделлаштириш Ахмедов А.Б. ....	303
54	Ал Хоразмийнинг меросни тақсимлаш ҳақидаги қарашлари ва унинг ++builder алгоритмик тилидаги дастури Арипов М.М.,Орипова У. ....	308
55	Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларининг касбий маҳоратини ошириш йўллари Бердалиева Г.А. ....	315
56	Ажиниёз шоир ижодида фалсафа ва дунёқараш Таспанова Ж.К. ....	320
57	Некоторые аспекты в подготовке детей дошкольного возраста к программированию Икромова М.Н. ....	326
58	Бўлажак дастурчиларни касбий фаолиятга тайёрлашда дастурий воситалар имкониятларидан фойдаланиш методикаси Тўраев М.Ф. ....	332
59	Maple tizimi yordamida tekislikda vektorlarni qo'shishning animatsiya usulidan foydalanib talabalarning matematik kompetentligini rivojlantirish orqali o'qitishning sifat va samaradorligini oshirish Mirzakarimov E. M, Fayzullayev J. I. ....	337
60	Ўзбекистон-япония таълим тизими ривожланиш истиқболлари Хошимов Ф.Ф. Эгамбердиева Р. Файзуллаева М.Ф. ....	343